

ПУДРАТ ШАРТНОМА  
№ ТЙЎЛ-15

27.08.2022 йил

Термиз шаҳри

Кейинги уришларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» илженининг компанияси

(ЎЎҚУВЧИНИНГ ИСМИ)

номидан НИЗОМ асосида иш курувчи

(ЎСТАВ, НИЗОМ, ИШОНЧНОМА)

Арипов Аслиддин Хонимович

(РАШАРТИШ ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ, ОТАСИНИНГ ИСМИ)

бир томондан ва кейинги

уришларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган "MEGAPOLIS-OURTISH" MCHJ

(ЎЎҚУВЧИНИНГ ИСМИ)

номидан НИЗОМ

(ЎСТАВ, НИЗОМ, ИШОНЧНОМА)

асосида иш курувчи Элмуратов Отаёр

(РАШАРТИШ ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ, ОТАСИНИНГ ИСМИ)

иккинчи томондан Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли уй-жойларни йўл тармоғи қўриш ишларини бажаришга

(ЎЎҚУВЧИНИНГ ИСМИ)

доир мазкур пудрат шартномани туздилар

### I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синсови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли уй-жойларни йўл тармоғи қўриш ишларини бажаришга

(ЎЎҚУВЧИНИНГ ИСМИ)

лойихада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил 24 августдаги №137459 сонли баённомаси) билан объектнинг қурилиш қиймати қушимча қиймат солиғи билан биргаликда 685 825 449 (Олти юз саксон беш миллион саккиз юз йлтирма беш минг тўрт юз кирк тўққиз) сўм, (шу жумладан ККС 89 455 493 сўм) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қўпайтиришга ениб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар (Субпудратчи) билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омонга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши даъмида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилганини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваққалчиликларини сўғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатилш;

қурилиш майдони қўрилганини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдидан тулик мўлқли жавобгар ҳисобланади.

### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 2- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномала қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биносан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

### VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 45 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

### VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорда бунақ ўтказилади, бу 205 747 000 (Икки юз еш миллион етти юз кўрк етти минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( 1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан иншоотда сўма-ой бажарилган КМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади

- Жорий молиялаштириш бажарилган КМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган аванснинг ҳисобга олган ҳолда, сўма-ой бажарилган КМИни 65 фоизи миқдорда амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси миқдорда бўлади.

- КМИларни 95 фоизгача жорий молиялаштириш Республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фонндлар маблағлари ҳисобидан жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурда назарда тутилган маблағ миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблағ билан таъминлаш шартномаси (договор рефинансирование) асосида ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тулови шартномадаги ишлар тулик бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг КМИлари бўйича эътирозлар йўқлиги тўғрисидаги уч томонлама далолатнома тулик имзолангандан кейин амалга оширилади

- Объектнинг 5 фоизлик кафолат маблағи пудратчига тулангунгача қадар иншоотни фойдаланувчи балансига олганиги тўғрисида маълумотнома (авизо) тасдиқланган бўлиши лозим.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунгача қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунгача қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мўбайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир

томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунгазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадалвига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва этишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни проривка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлиқ белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгилашни, шунингдек баландлиқ белгилари, улчамлари ва булиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритиши.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландлиқлар, геодезия белгиларининг жойлаштириш схемалари ва жадалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очигина, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маъфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида майдан четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмастан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енггиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енггиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб қолса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевоқиф таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиқ учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енггиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзата келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енггиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мувоқам қилдилади.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган қундан бошлаб қамиди 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мажбур нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торитган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалиқ судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома қўчга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан қўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортқик муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қўриқлиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

-Узбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартнома тегишли иловаларида курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг **40,0** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлалиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торттанлиги учун Буюртмачи бош пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош торттан сумманинг **0,5** фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Бош пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **40,0** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун қурилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси қурилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган бажарилган ишлар қийматининг **20,0** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектуручилиш-назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратчидан қурилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **5,0** фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган жарима билан қопланмаган зарарни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### XVI. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

66. Тарафлар шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Узбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига эид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни тақлиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган

шахсининг манфаатларини қўлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймайди буйича чоралар қурилишига қафолат беради.

67. Икки томоннинг узаро ёзма келишуви асосан мазкур шартномага киритилмаган узгартиш ва қўшимчалар конуний қучига эга бўлади. Узгартиш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

68. Шартномада курсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

#### XVII. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йўқотади.

70. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашуви томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сунг ва Газналик булинмасидан руйхатдан утгандан кейин конуний ҳисобланади.

76. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган икки нусхада тузилди.

77. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

#### XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

##### «Буюртмачи»

Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи

хизмати» инжиниринг Компанияси

Термиз ш. Боқуменко куча-5 уй

Тел: 221-49-71 Факс: 221-49-74

ИНН: 200474347 ОКОНХ: 97400

Ш/х: 100021860224017049804118001

Газначилик булинмаси номи: Узбекистон Республикаси

Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Газначилик бўлими ИНН 201 122 919

Директори

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

А.А.А.А.

##### «Пудратчи»

"MEGAPOLIS-QURILISH" MCHJ


Термиз шаҳри "Навбахор" кучаси 142Г-уй

Х/р: 2020 8000 1009 1236 9001

ТИФ "Миллий" банк Термиз филиали

МФО: 00324 ИНН: 305691134

ОКОНХ: 42210 тел: 97-244-55-55, 91-575-00-52



О.Элмуратов

Вилоят ҳокимлиги «ЯБХ»

Ҳуқуқшуноси:

27.08.2022 йил

27.08.2022 йилдаги ТЙУЛ-15 сонли  
пудрат шартномага 1-сонли илова

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши  
мулжалланган 3 та 9 қаватли уй-жойларни йул тармоғи қуриш ишларини  
**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

(млн.сумда)

№	Ишлар тури ва номи	Бирлиги	Миқдори	2022 йил қурилиш қиймати												Ишлар тури қиймати хажми	
				I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
				январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
1	Уй-жойларни йул тармоғи қуриш ишларини бажариш	млн.сум	685,825449									85,825449	400,000	200,000			685,825449
	Хаммаси:		685,825449									85,825449	400,000	200,000			685,825449

Эслатма: Қурилиш-монтаж ишлари биринчи бунақ тулаб берилган санадан бошланади.

"БУЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона  
хизмати" инжиниринг Компаняси

Бош муҳандиси:

А.Мамадаминов



"ПУДРАТЧИ"

"Мегаполис-Қурилиш" МЧЖ

Раҳбар:

О.Элмуратов



27.08.2022 йилдаги ТЙУЛ-15 сонли  
пудрат шартномага 2-сонли илова

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши  
мулжалланган 3 та 9 қаватли уй-жойларни йўл тармоғи қуриш ишларини  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**


(млн.сумда)

№	Молиялаштириш тартиби	2022 йил қурилиш қиймати												Жами: 5% маблаг	Хаммаси	
		I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак					
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	30% ҳажмда бунак								205,747							205,747000
2	65% жорий молиялаштириш								445,787449							445,787449
3	5 кафолат муддати тугагандан кейин														34,291	34,291000
	<b>Хаммаси:</b>								651,534449						34,291	685,825449

"БУЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона  
хизмати" инжиниринг Компаняси

Бош муҳандиси:



А.Мамадаминов



"ПУДРАТЧИ"

"Мегаполис-Қурилиш" МЧЖ

Рахбари:



О.Элмуратов



**"ТАСДИКЛАЙМАН"**  
Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари

А.Хидиров

2022 й.

**ҚУРИЛИШ НОМИ РҲИХАТИ**

**I Бўлим. Қурилишнинг асосий маълумотлари**

1. Қурилиш номи ва жойлашган манзили	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли уй-жойларни йўл тармоғи қуриш	
2. Йўналиши	Бошқа йўналиш	
Инвестор		
4. Буюртмачи	Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	
5. Лойхачи	"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ	
5.1. Т И О		
5.2. Л С Х ва Т Д		
5.3. Экспертиза	Сурхондарё давлат экспертиза бошқармаси	
Бош пудратчи	"MEGAPOLIS-QURILISH" МСНЖ	
7. Молиялаштириш манбаи	Республика бюджетидан	
8. Қурилишнинг бошланиши ва тугаш санаси	2022 йил	
<b>Қурилишнинг асосий курсаткичлари:</b>	<b>Л С Х</b>	<b>01.01.2022 йилдаги қолдиқ.</b>
Қуввати	Объект	
Асосий фонд	716,260	716,260
Капитал қуйилмалар	716,260	716,260
Қурилиш монтаж ишлари	685,825	685,825
Ускуналар ва жихозлар	0,000	0,000
Бошқа ишлар ва хизматлар	26,011	26,011
Буюртмачи харажатлари	4,424	4,424
<b>ИТКҚВ ва МВ билан келишилган ҳолда 2022 йилга мўлжалланган прогноз манзилли рўйхати бўйича</b>	<b>Келишилган нархларда (млн.сум.)</b>	
Қувват (бирликлар бўйича)	Объект	
Асосий фонд	716,26	
Капитал қуйилмалар	681,969	
Қурилиш монтаж ишлари	651,534	
Ускуналар ва жихозлар	0,000	
Бошқа ишлар ва хизматлар	26,011	
Буюртмачи харажатлари	4,424	

**II бўлим. 2022 йилга мўлжалланган прогнознинг чораклар тақсимооти ( жорий нархда, (млн.сум.)**

	Жами	2022 йил чораклар кесимида			
		I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириладиган қувват	Объект			Объект	
Асосий фонд	716,260			716,260	
Капитал қуйилмалар	681,969			681,969	
Қурилиш монтаж ишлари	651,534			651,534	
Ускуналар ва жихозлар	0,000			0,000	
Бошқа ишлар ва хизматлар	26,011			26,011	
Буюртмачи харажатлари	4,424			4,424	

Буюртмачи  
Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК директори

Пудратчи

"Хоснотлар" АМДЖ

А.Арамов

О.Элмуратов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 137459 на приобретение Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли 160 хонадонли уй-жойларнинг йўл тармоғи қуриш**

Способ проведения электронный

Дата 24.08.2022

Время рассмотрения 24.08.2022 13:46

Конкурсная комиссия Сурхондаре вилояти Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	XOLOV TO'LQIN ABDUXAKIMOVICH	Директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Бош муҳандис	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Председатель комиссии</b>	ARAMOV ASLIDIN XXX	Директор	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Секретарь комиссии</b>	CHORIYEV HAMROQUL CHORIYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бош мутахассиси	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.08.2022 года № лота 137459.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по строительству дорог</b>
---	--------------------------------------

Подробное описание	2
Количество товара	10.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	69 235 482.70
Стартовая сумма	692 354 827.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Курилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	15	5-шакл	15	Экспертная		
ЧП "Кучкак-Чинори"	15	5-шакл	15	Экспертная		

Критерий №2 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	10	4-шакл	10	Экспертная		
ЧП "Кучкак-Чинори"	10	4-шакл	10	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг молиявий ҳолати (шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик хисоботлар илова қилинади) Давлат солиқ идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиштира далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим))

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	20	3-шакл	16	Экспертная		
<b>ЧП "Кучкак-Чинори"</b>	20	3-шакл	16	Экспертная		

Критерий №4 Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (1-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга муҳандис-қурувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Домимий равишда ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	15	1-шакл	15	Экспертная		
<b>ЧП "Кучкак-Чинори"</b>	15	1-шакл	15	Экспертная		

Критерий №5 Ўхшаш объектларда охириги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	20	2-шакл	12	Экспертная		
<b>ЧП "Кучкак-Чинори"</b>	20	2-шакл	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	692 354 827.00	685 825 449.00 UZS	685 825 449.00	00.00	685 825 449.00	22.08.2022 14:49:57	20.00
<b>ЧП "Кучкак-Чинори"</b>	692 354 827.00	692 154 977.00 UZS	692 154 977.00	00.00	692 154 977.00	22.08.2022 17:51:14	19.82

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ	68	20	88
ЧП "Кучкак-Чинори"	63	19.82	82.82

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 137459 от 24.08.2022 года на приобретение Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Мангузар" маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли 160 хонадонли уй-жойларнинг йўл тармоғи қуриш определила победителем:

MEGAPOLIS-QURILISH MCHJ  
305691134

и резервный исполнитель: ЧП "Кучкак-Чинори" (302251984)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ARAMOV ASLIDIN XXX	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XOLOV TO'LQIN ABDUXAKIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**  
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори  
А.Арамов  
«    »    2022 йил

**Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ички танлов комиссиясининг йиғилиши  
МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 22110012137459**

«17» август 2022 йил

Термиз шаҳар

А.Арамов                      Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати”  
инжиниринг компанияси директори

**Комиссия аъзолари:**

А.Мамадаминов            Компания бош муҳандиси  
Т.Холов                      Компаниянинг директорининг иқтисодий масалалар  
бўйича ўринбосари  
Р.Джумаев                  Компания Маркетинг, қурилиш дастурларини тайёрлаш ва  
танлов савдоларини ташкил этиш бўлими бошлиғи  
Э.Чоршанбиев              Компаниянинг Молиялаштириш ва хўжалик шартнома  
муносабатлари бўлими бошлиғи

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА :**


Термиз шаҳар “Мангузар” маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли 160 хонадонли уй-жойларнинг йўл тармоғи қуриш ишлари учун пудратчи ташкилотни танлаб олиш мақсадида ички танлов ўтказиш тўғрисида:


Ушбу масала бўйича Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори А.Арамов сўз олди. У ўз сўзида, Термиз шаҳар “Мангузар” маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли 160 хонадонли уй-жойларнинг йўл тармоғи қуриш ишлари учун махсус ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун ЛОТ 22110012137459 билан эълон жойлаштирилиб эълон муддати 24.08.2022 йил тугади ва 24.08.2022 йил “Мегаполис Қурилиш” МЧЖ томонидан қурилиш таклифи 685 825 449 сум билан ғолиб бўлган электрон протокол шаклланган. ЎзРнинг №684 Қонунига асосан ушбу протокол 2 иш куни муҳокамада турди ва шу даврда ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлигини инобатга олиб йиғилиш қатнашчилари ўзаро келишиб


**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Термиз шаҳар “Мангузар” маҳалласида қурилиши мўлжалланган 3 та 9 қаватли 160 хонадонли уй-жойларнинг йўл тармоғи қуриш объекти бўйича “Мегаполис Қурилиш” МЧЖ пудратчи ташкилоти билан шартнома тузилиб, тўловлар амалга оширилсин.

2. Мазкур топшириқни бажариш вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” ИК маъмуриятига юклатилсин.

 А.Мамадаминов

 Т.Холов

 Э.Чоршанбиев

 Р.Джумаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:  
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH

Sana:09-08-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 53066**

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati Termiz shahar "Manguzar" mahallasida qurilishi mo'ljallangan 3 ta 9 qavatli 160 xonadonli uy-joylarning yo'l tarmog'i qurish" ishchi loyihasi bo'yicha.»

**Buyurtmachi** - Surxondaryo viloyati xokimligi "Yagona buyurtmachi xizmati" IK

**Bosh loyihachi** - "Qishloqqurilishloyiha" MCHJ Surxondaryo viloyati filiali

**Litsenziya** O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan

29.06.2020yilda berilgan AL №001087

**Moliyalashtirish manbai** - Budget mablag'lari

**Bosh pudratchi** - Erkin tanlov savdolarida aniqlanadi

**Qurilish turi** Yangi qurilish

**Murojaat raqami:** № 49587

**1. Loyihalash uchun asos**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 11 martdagi "Bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlarini ajratish orqali aholini uy-joy bilan ta'minlashga oid qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risidagi" PF-6186 sonli farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 15 - maydagi 301/25 - sonli qarori.
3. Surxondaryo viloyati Qurilish Boshqarmasi boshlig'i tomonidan 2021-yil 29-mayda tasdiqlangan 1722-1722401-20721 - sonli me'moriy-rejalashtirish topshirig'i.
4. "Loyiha ishlari uchun buyurtmachi tomonidan 2022-yilda tasdiqlangan loyiha topshirig'i.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

1. 1-kitob - umumiy tushuntirish xati,
2. 2-kitob - smeta hujjatlari,
3. 3-kitob - qurilish ishlarini tashkil qilish loyihasi,
4. 4-kitob - 1-albom - oqova suv tarmoqlari ishchi chizmalari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Loyihaning maqsadi Surxondaryo viloyati Termiz shahar "Manguzar" mahallasidagi 3 ta 9 qavatli 160 xonadonli uy-joylarning yo'l tarmog'ini qurish.

**3.1 Qurilish maydonining xususiyatlari:**

- qurilish maydoni IVA iqlim mintaqasiga tegishli,
- tashqi havo harorati - (-12°C),
- normativ shamol bosimi - 0,4 kPa,
- normativ qor qatlami vazni - 0,50 kPa,
- qurilish maydonining seysmikligi - 7 ball.

“O'ZGASHKLITI” DUKning Surxondaryo filiali tomonidan 2021 yilda olib borilgan o'rganishlari materiallariga ko'ra hududning geotexnik sharoitlari quyidagi ma'lumotlar bilan tavsiflanadi:

- bino va inshootlarning seysmikligini loyihalashtirish - 8 ball,
- seysmik xususiyatlarga ega tuproqlar toifasi - III,
- tuproqlar - tuproqli, jigarrang, namligi o'rta, qumloq quyqalar, cho'kuvchanligi I toifa;
- o'rganish davomida er osti suvlari er yuzasidan 5-6,5m gacha chuqurlikda aniqlanmagan,
- o'rganilayotgan hududdagi tuproqlar GOST 10178-85\*ga muvofiq Portland sementidagi betonga nisbatan o'rtacha darajada agressiv.

### **3.2 Texnologik yechimlar.**

Topografik sxema

### **3.3 Qurilish maydoni.**

Ob'yekt Surxondaryo viloyati Termiz shahar “Manguzar” mahallasi hududi, Surxondaryo viloyati Termiz shahar xokimining 2021-yil 15-may sanasidagi №Q-575 sonli qaroriga asosan loyiha ishlari amalga oshirilgan.

### **3.4 Loyihaning asosiy yechimlari.**

Yo'l tarmog'i umumiy uzunligi 0,629 km beton qoplamali yo'llar qurish ko'zda tutilgan, Shundan 0,107 km massiv xududiga kirish qismi yo'lning eni  $B=6,0$  m tashkil qiladi, yo'lga 25 sm qalinlikda QSHA asos qatlam yoqizish va chaqilgan tosh va qum bilan tekislovchi qatlam to'shash hamda 18 sm qalinlikda B-20 markali beton qoplama yotqizish ishlari bajarilishi ko'zda tutilgan.

Massiv xududidagi ichki yo'llarga 0,522 km ga beton qoplama yotqizish ishlarida yo'lning loyihalananayotgan qismi eni  $B=4,5$  m, xamda massiv hududida avtomobillar turar joyi qurish ishlari ishchi loyihada ko'rsatilgan bo'lib, maydoni 89,6m x11,0 m yo'lga va avtoturargoxga 25 sm qalinlikda QSHA asos qatlam yoqizish va chaqilgan tosh va qum bilan tekislovchi qatlam to'shash, hamda 16 sm qalinlikda B-20 markali beton qoplama yotqizish ishlari bajarilishi ko'zda tutilgan.

Ko'p qavatli uylarga kirish qisimlarida 15 sm qalinlikda QSHA asos qatlam yoqizish va chaqilgan tosh va qum bilan tekislovchi qatlam to'shash B20 markali betondan 10 sm qalinlikda beton qoplama yotqizish va yo'l belgilari o'rnatish ishlarini bajarilishi ko'zda tutilgan .

### **3.5. Ob'yektni qurish vaqti**

Qurilishni tashkil qilish ma'lumotlariga ko'ra 1,5 oy ni tashkil qiladi.

## **4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

## **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

Surxondaryo viloyati Termiz shahar qurilish boshqarmasi va Termiz shahar hokimligi tomonlari bilan kelishilgan.

## **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertlarning taklif va tavsiyalariga binoan buyurtmachi va loyihachi quyidagi asosiy qo'shimchalar va tuzatishlarni kiritdi:

- loyihada foydalanilgan po'lat quvirlar qalinligiga aniqlik kiritildi;
- beton qoplama yuzasiga foydalanilgan poletelin plyonka materiali ish xajimlari to'g'irlandi;
- buyurtmachi xarajatlari smeta hujjatlariga qo'shildi ;
- ortiqcha xisoblangan koyfisentlar olib tashlandi.

6.2. Resurslar ro'yxatidagi ishlarning turlari va miqdori, resurslari ro'yxatini aniqlashning haqiqiyiligini baholash:

- xandaqlarni qo'l bilan to'ldirishda I guruh tuprog'i qabul qilindi,
- qurilish ishchilarining ish haqi narxi, mashinalar va mexanizmlarning ishlashi, qurilish materiallari, mahsulotlar, tuzilmalar va uskunalar buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan o'rtacha narxlar bayonnomasiga muvofiq qabul qilinadi.

### **6.3. Ob'yektni qurish narxini hisoblash.**

Ob'yekt qurilishining qiymati qo'shimcha qiymat solig'i miqdori hamda buyurtmachi xarajatlari bilan **1 020 386.961 ming.so'm** taqdim qilingan, loyihani to'g'irlash natijalariga ko'ra **293 414.393 ming.so'mga** kamaytirildi va qo'shimcha qiymat solig'i hamda buyurtmachi xarajatlari bilan - **726 972.568 ming.so'mni**, tashkil qildi.

*shu jumladan:*

- qurilish montaj ishlari – 602 047,675 ming.so'm,
- qo'shimcha qiymat solig'i – 90 307,151 ming.so'm,
- buyurtmachi xarajatlari –34 617,741 ming.so'm.

Qurilish narxining pasayishi ish hajmini aniqlashtirish, ayrim qurilish materiallari va mahsulotlarining narxlarini muvofiqlashtirish orqali erishildi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579-sonli qaroriga 1-ilova, III bob 29-band va SHNK 1.03.06-13da "Davlat ekspertizasiga taqdim etilgan shaharsozlik hujjatlari sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (loyihalash jarayonida taqdim etilgan dastlabki loyihalash ma'lumotlarining ishonchliligi nuqtai nazaridan) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

6.5. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida pudrat shartnomasi smeta qiymatidan chiqmagan xolda aniqlanadi;

## **7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Surxondaryo viloyati Termiz shahar "Manguzar" mahallasida qurilishi mo'ljallangan 3 ta 9 qavatli 160 xonadonli uy-joylarning yo'l tarmog'i qurish" ishchi loyihasi bo'yicha kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 11-iyundagi №261-sonli qarori va SHNK04.01.16-09ga muvofiq, qurilishning tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va tanlov savdoning boshlang'ich qiymatini aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

**Bosh mutaxassis:** MAXMUDOV ISMOIL SOATQUL O'G'LI

7490-15 800,000

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 5 дан 1-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 14 1		

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ»**  
**ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ АЖ**  
Тошкент шаҳри, Чупонота кўчаси, 6

**Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш**  
**ШАРТНОМАСИ № 10-00/01911** *149615*

Термиз шаҳри

2022 йил «27» *август*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 29 июндаги СФ №00144 лицензияга мувофиқ фаолият олиб борувчи, кейинги ўринларда «Компания» деб аталувчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ номидан «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖнинг Филиал тўғрисидаги низоми ҳамда 2022 йил 05 январдаги 01/4 -сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Компаниянинг Сурхондарё вилоятидаги филиали Директори Соибназаров О.И. бир томондан ва кейинги ўринларда «Суғурталанувчи» деб аталувчи „Mecapolis - Qurilish“ LLC номидан Низом асосида иш кўрувчи Директори О. Тошқратов иккинчи томон бўлиб, Ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА МАВЗУИ**

Суғурталанувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўлаши эъвазига Компания ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, суғурта ходисаси юз берганда Суғурталанувчига ёки Наф олувчига етказилган зарарни қуйида келтирилган ҳажмда ва муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

**2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР**

Ушбу Шартномада фойдаланилган атамаларнинг бошқа маънолари алоҳида келишиб олинмаган бўлса, улар қуйидагича таърифланади:

- 2.1. Суғурта полиси** – ушбу Шартнома кучга кирганлигини тасдиқлайдиган, Суғурталанувчи суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.
- 2.2. Суғурта пули** – ушбу Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган бўлиб, Компаниянинг ушбу Шартнома бўйича Суғурталанувчи олдидаги жавобгарлигининг чегарасини билдирувчи пул маблағлари миқдори.
- 2.3. Суғурта мукофоти** – Суғурталанувчи Компанияга ушбу Шартномада келишилган тартиб ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.
- 2.4. Суғурта ходисаси** – суғурта муддатида содир бўлган, ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган таваккалчиликлар юз бериши натижасида 1-иловада келтирилган объектда қурилиш амалга оширилаётганда Суғурталанувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига зарар етиши.
- 2.5. Суғурта муддати** – ушбу Шартнома амалда бўладиган давр. Компания суғурта муддати мобайнида юз берган суғурта ходисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
- 2.6. Суғурта товони** – Компания суғурта ходисаси содир бўлганда Суғурталанувчининг зарарини қоплаш учун суғурта пулидан ошмайдиган ҳажмда тўлайдиган пул маблағлари миқдори.
- 2.7. Ходимлар** – меҳнат шартномаси (контракти) ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида Суғурталанувчининг топшириғи ва унинг назорати асосида ишлаётган шахслар.
- 2.8. Учинчи шахслар** – суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ходисаси натижасида ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар ҳамда Суғурталанувчи билан шартнома муносабатларида бўлмаган ва мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар, Суғурталанувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари ҳамда Суғурталанувчи номидан иш кўраётган жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахс бўлиб ҳисобланмайди.
- 2.8. Наф олувчи** – суғурталанган мулкнинг бут бўлишида қонуни, бошқа меъёрий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Шартнома тузилган шахс.

**3-БЎЛИМ. СУГУРТА ҲИМОЯСИ**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарорига мувофиқ ушбу Шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга амал қилган ҳолда Компания қуйидагилар учун суғурта ҳимоясини тақдим этади:

3.1.1. Суғурталанувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига бевосита қуйидаги таваккалчиликлардан моддий зарар етказилганда:

- а) ёнгин, чакмоқ, порглаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- б) ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасдан содир этган ҳаракатлари;
- в) сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши; г) бўрон, довул;
- д) зилзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, кулаш; е) қиска туташув, органик қучланиш, электр ёйлари;
- ж) машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- и) нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўлланишдан кўрган зарар;
- к) қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

3.1.2. Суғурта амалда бўлган даврда қурилиш майдонида ёки унга бевосита қўшни ҳудудда ушбу Шартнома билан суғурталанган қурилиш ёки монтаж ишлари оқибатида қуйидагилар натижасида Суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши билан Суғурталанувчининг мулкий манфаатларига зарар етиши:

- а) учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига зарар етиши; б) учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар ёки зиён етиши.

**4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР**

4.1. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида содир бўлган воқеалар суғурта ходисаси ҳисобланмайди:

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 5 дан 2-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 14 I		

- ҳар қандай уруш ҳаракатлари ёки ҳарбий талбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролининг таъсири, оммавий тартибсизликлар, иш ташлашлар, террорчилик, ҳарбий ёки бошқа ҳукумат идоралари ёки сиёсий таъкилотларнинг фармойишига биноан мулкнинг мусодара этилиши, киймати тўлаб бериш шarti билан олиб қўйилиши, ҳибсга олинishi, йўқ қилиниши ёки зарар қўрилиши;

- ядро лорглаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш;  
- Сугурталанувчи ёки унинг ходимларининг, ушбу сугурта фойдасига амалга оширилган шахснинг касдан қилган ҳаракатлари ёки қўпол эҳтиётсизлиги;  
- қурилиш объектидаги (сугурта объектида) хатолар, етишмовчиликлар ёки нуқсонлар, агар Сугурталанувчи, ушбу сугурта фойдасига амалга оширилган шахс ёки уларнинг вакилларига бу ҳақда сугурта ҳодисаси юз беришидан олдин маълум бўлган бўлса;

- лойиҳа-смета ҳужжатларида қўзда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтагилиши;  
- занглаш, чириш, табиий эскириш, ўз-ўзидан ёниши ёки айрим буюмларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиққан зарарлар;

- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган тажриба ва тадқиқот ишлари;  
- қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташки омия таъсирида келиб чиқмаган ички бузилишлари натижасида зарарланиши.

4.2. Ушбу Шартномага мувофиқ қўйидагилар ҳам қопламайди:

- объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмларини алмаштириш, тузатиш ёки созлаш қиймати, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қиймати. Ушбу истисно даҳл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, ammo материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди;

- ёнилги-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутувчи суюқликлар ва бошқа ёрдамчи материаллар, сугурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (сугурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг пубуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар.

4.3. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ҳам сугурта товони тўлашдан озод бўлади.

#### 5-БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ушбу Шартноманинг 3.1.1-бандида кўрсатилган сугурта ҳодисалари бўйича сугурта пули умумий сугурта қийматининг 80% (80 фоиздан ошмаган миқдорда), яъни 548.660.359,2

сўмни ташкил этади.

5.2. Ушбу Шартноманинг 3.1.2-бандида кўрсатилган сугурта ҳодисалари бўйича сугурта пули \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

5.3. Ушбу Шартнома бўйича сугурта мукофоти 800.000 \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

5.4. Сугурта мукофоти ушбу Шартнома имзолангандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида бир вақтнинг ўзида тўлик тўланади.

#### 6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва **2022 йил «31» декабр** гача амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Компания мажбуриятлари сугурта мукофоти тўлангандан кейин кучга киради ва Сугурта полисида кўрсатилган сугурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Сугурталанувчига Сугурта полиси сугурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Компания ҳисоб рақамига келиб тушгандан эътиборан 3 (уч) банк куни ичида, тўланган давр учун берилади.

Агар Сугурта полисида кўрсатилган сугурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1-бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб кетса, Шартнома муддати Сугурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

6.3. Компаниянинг сугурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари қурилиш, монтаж, ускуналарнинг дастлабки ва ишчи синовлари даври мобайнида амалда бўлиб, объектни фойдаланишга топширгандан сўнг, лекин сугурта муддатининг охиригача сапасидан кечикмай тугайди.

6.4. Сугурта мукофоти Компания ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали тўланади. Сугурта мукофоти тўланган кун бўлиб пул маблағлари Компания ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

6.5. Сугурта полиси сугурта мукофоти тўлалигича ёки унинг биринчи қисми тўлангандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида у тўланган давр учун берилади. Сугурта полиси йўқолганда, Компания унинг дубликати Сугурталанувчининг ёзма аризаси асосида беради.

6.6. Агар Сугурталанувчига ва сугурта шартномаси фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ишлар уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга тўхтаиб турилса, сугурта шартномасининг амал қилиши томонлар ўртасидаги қўшимча битимга мувофиқ кўрсатиб ўтилган даврга тўхтаиб турилиши мумкин ва у ишлар қайта тикланганда Компанияни бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилгандан кейин сугурта муддатини ишлар тўхтаиб турилган даврга узайтирган ҳолда, қўшимча сугурта мукофоти тўловисиз янгидан кучга киради.

6.7. Қурилиш объекти Сугурталанувчига ва сугурта фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра консервация қилинганда Компания сугурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилган сугурта мукофотининг бир қисмини қайтарали.

6.8. Бошқа барча ҳолларда сугурта муддати фақат томонларнинг аҳдлашуви бўйича, миқдори томонлар ўртасидаги келишувга қўра белгиланган қўшимча сугурта мукофоти тўланган ҳолда узайтирилиши мумкин.

6.9. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати сугурта шартномасида кўрсатилган сугурта муддати тугашидан илгари тугаса сугурта мукофоти қайтарилмайди.

#### 7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Шартнома амалда бўлган даврда:

7.1.1. Сугурталанувчининг ҳуқуқлари:

а) Компания билан келинган ҳолда ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

б) Компаниядан ушбу Шартнома бўйича маслаҳатлар олиш;

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 5 дан 3-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 14 1		

в) сугурта полиси йўқолганда унинг дубликати олини.

7.1.2. Сугурталанувчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда сугурта мукофотини тўлаш;

б) Компанияни сугурта пули ўзгарганлиги, шунингдек томонлар сугурта тўғрисидаги шартномани имзолагандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Объект қийматини 10 фоиздан зиён қўпайтирувчи ўзгартиришлар Компанияга шартнома шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради;

в) ушбу Шартномани тузаётганда таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун аҳамиятга эга ҳаққоний ахборотни Компанияга билдириши.

7.1.3. Компания сугурта қуйидаги ҳолларда сугурта товони тўлашдан бош тортишга ҳақли:

а) Сугурталанувчининг ёки фойдасига сугурта шартномаси тузилган шахснинг сугурта ходисаси юз беришига қаратилган, исботланган қасддан қилган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини адо этиш ёки Сугурталанувчининг ёки унинг шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва шаънини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Компанияга сугурта объекти, сугурта ходисаси ва унинг оқибатлари ҳақида ёлғон маълумотларни тақдим этиш;

в) Компанияни таваккалчиликнинг сезиларли даражада ўзгарганлиги, шунингдек сугурталанувчига ва фойдасига ушбу сугурта амалга ошириладиган шахсга маълум бўлган хатолар, етишмовчиликлар ва нуқсонлар ҳақида хабардор қилмаслик ҳамда Компания ёки унинг вакили зарарнинг тавсilotи, тавсифи ва миқдорини аниқлашда иштирок этишига қаршилик қилганда.

Компания Сугурталанувчи ёки фойдасига сугурта шартномаси тузилган шахс томонидан зарарнинг олдини олиш ва камайтириш чоралари қапчалик амалга оширилмаган бўлса шу меъёрда кўрилган зарарларни тўламасликка ҳақли.

7.1.4. Компаниянинг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда Сугурта полисини бериш;

б) барча зарур ҳужжатларни олиб, воқеани сугурта ходисаси деб тан олгандан сўнг ушбу Шартномада келинилган миқдор ва муддатда сугурта товони тўлаш;

в) ушбу Шартнома бўйича Сугурталанувчининг сўровномасига кўра унга маслаҳатлар бериш;

г) Сугурталанувчи/Наф олувчидан ушбу Шартнома амал қилиши даврида олган ахборотни ошкор қилмаслиги, Компания ахборотни давлат идораларига Ўз. Рес. қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### 8-БЎЛИМ. СУГУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Компаниядан сугурта товони олиш талабига асос бўлиши мумкин бўлган воқеа рўй берганда, Сугурталанувчи ёки фойдасига сугурта шартномаси тузилган шахс қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Компания сўрашини ёки талабини қутмасдан эҳтимолдаги зарарларнинг олдини олиш бўйича барча чораларни кўриш;

б) Компанияни 7 календарь кундан кечиктирмасдан содир бўлган воқеа ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиш;

в) Компанияга ушбу мол-мулкка нисбатан бошқа сугурта ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳақида ёзма равишда хабар қилиш;

г) мутасадди идораларни имкон қадар дарҳол, лекин 48 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилиш.

8.2. Компания даъвои кўриб чиқиши учун Сугурталанувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- ўз сарф-харажатлари ҳисобидан Компания талаб қилиши мумкин бўлган йўқотиш, бузилиш ёки зарар кўришининг барча тавсilotларини ҳамда сабаби ва миқдорининг исботини тақдим этиши;

- барча режалар, таснифлар, топшириқномалар, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда сугурта ходисаси бошланиши ҳолатлари ва сабаблари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа зарур ҳужжатларни Компанияга тақдим этиши.

Сугурталанувчи имкон қадар шикастланган мол-мулк ва ходиса рўй берган жой Компаниянинг вакиллари томонидан кўздан кечирилгач ҳамда сугурта ходисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича хатти-ҳаракатлар Компания билан ёзма равишда келишиб олингандан кейин сугурта ходисаси оқибатларини бартараф этишга (алмаштиришга, тузатишга) киришиши мумкин.

8.3. Компания хабарномани олгандан сўнг 3 (уч) кун мобайнида объектни кўриқдан ўтказиши шарт.

8.4. Сугурталанувчининг ёзма аризаси олингандан сўнг ва сугурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Сугурталанувчининг ва Компаниянинг вакиллари, шунингдек, зарура бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобидан ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

8.5. Компаниянинг вакиллари вазиятни, зарар характери ва миқдорини аниқлаш учун сугурта ходисаси содир бўлган жойга эркин қира олиши ҳамда Сугурталанувчи ва сугурта шартномаси фойдасига тузилган шахснинг тегишли ҳужжатларидан бемалол фойдалана олиши керак.

Компания ва Сугурталанувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва миқдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертини тайинлайди ва бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизматиға ҳақ тўлайди.

Ушбу шарт томонларнинг келишмовчиликларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

### 9-БЎЛИМ. ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун сугурта товони уни тўлаш ёки сугурта ходисаси вақтида уни алмаштириш қийматидан камроғи билан чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тузатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ёки сугурта ходисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан орғиб кетган тақдирда у нобуд бўлган деб ҳисобланади.

9.2. Компания зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида қилинган харажатларни, агар ушбу зарар ушбу Шартнома шартларига кўра тўланиши керак бўлса, тўлайди.

9.3. Компания шунингдек сугурта ходисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у сугурта мукофотининг 2 фоиздан орғик бўлмаслиги керак.

9.4. Агар бир сугурта ходисаси натижасида сугурта шартномаси фойдасига тузилган бир нечта шахсга зарар етган бўлса, умумий сугурта товони миқдори ушбу шахслар ўртасида ҳар қайси шахс кўрган зарарнинг умумий зарар суммасидаги миқдорига муносориб равишда тақсимланади.

9.5. Агар зарар уни етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса, Сугурталанувчи сугурта товониға бўлган ҳуқуқини йўқотади.

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 14 1		Бетлар: 5 дан 4-бет Сана: 10.07.2009й.

Агар зарар тўланадиган сугурта товонидан камроқ миқдорда ундирилган бўлса, у ҳолда у Сугурталанувчига етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олинган суммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

9.6. Сугурта товони тўлангандан кейин Сугурталанувчи ёки фойдасига сугурта шартномаси тузилган шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Компанияга ўтади. Сугурталанувчи барча ҳужжатларни Компанияга беришга ва айбдор шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур.

**10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ**

10.1. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига мувофиқ исталган пайтда бошқа томонни бекор қилиш мўлжаллаётган санадан камидан 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилиш шarti билан бекор қилиниши мумкин. Аммо ушбу Шартноманинг бекор қилиниши Наф олувчиларнинг томонининг маънафатларига дахлдор бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

10.2. Компания ўз мажбуриятларини бузганлиги муносабати билан Сугурталанувчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилганда, тўланган сугурта мукофотининг ҳаммаси қайтарилиши лозим. Акс ҳолда сугурта мукофоти қолган сугурта муддати учун, Компаниянинг харажатларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

10.3. Сугурталанувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги туфайли Компания ушбу Шартномани муддатидан аввал бекор этилишини талаб қилганда тўланган сугурта мукофоти қайтарилмайди.

10.4. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) муддати тамом бўлганда; Сугурта шартномаси муддати тамом бўлгунга қадар сугурта ҳодисаси бўйича жавобгарлик Сугурталанувчи зиммасида бўлади.

б) Компания Сугурталанувчи олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариб бўлганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

**11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

11.2. Компания сугурта товони тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатини ўтказиб юборганлик учун Сугурталанувчига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун, тўланиши керак бўлган сугурта товони суммасининг 0.15 фоизи миқдорда, лекин тўланиши керак бўлган сумманинг қўни билан 10 фоизи миқдорда неустойка тўлайди.

11.3. Агар томонларнинг ушбу Шартномадаги ўз мажбуриятларини бажармаслигига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. форс-мажор таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири яна қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

**12-БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

12.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.2. Ушбу Шартномадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг бажарилишига, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эъмаслигига тааллуқли баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

**13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР**

13.1. Ушбу Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида сақлаш учун қўйилган 8, 9, 13-класслар бўйича Сугурта қондалари ва сугурта шартномаларининг намуна шакллари асосида ишлаб чиқилган.

13.2. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимчалар ва ўзгартиришлар, шунингдек унинг муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш ёзма равишда амалга оширилиши лозим.

13.3. Томонларнинг ушбу Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.4. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланадиган 2 нусхада тузилди.

Компания номидан

«Ўзбекинвест» ЭИМСК  
Сурхондарё вилояти филиали

Манзил: Термиз ш., Таракқиёт к., 7

тел.: \_\_\_\_\_ факс: \_\_\_\_\_  
х.р. 20216000500598682050

ТИФ Миллий банк Термиз бўлими

Банк коди: 00324

СТИР: 201222058



Сугурталанувчи

„Megapolis - Qurilish“ MChJ

Манзил: Термиз шаҳар  
Навбатер 142-г

тел.: \_\_\_\_\_ факс: \_\_\_\_\_  
х.р. \_\_\_\_\_

Банк коди: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_



ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

М.У.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 5 дан 5-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 14 1		

2022 йил «27» август даги  
10-00/01911 144 615 -сонли  
Курилиш таваккалчиликларидан  
мажбурий суғурта қилиш  
шартномасига 1-илова

Суғурталанувчининг номи ва манзили: <u>„Megapolis - Qurilish“ MCHJ</u>	Шартноманинг номи: <u>Сурхондарё вилояти</u> <u>Термиз шаҳар „Манузар“</u> <u>маҳалласига қурилиш</u> <u>муноظамчилиги 3 та</u> <u>9 қаватли 4и-ноқиларчи</u> <u>газ тармоғи қурилиш</u>
	Объект жойлашган манзил: <u>Термиз шаҳар</u>

### 1. Моддий зарар

№	Суғурталанаётган предметлар	Суғурта пули, сўмда
1	2	3
1	Курилиш ишлари (яқуний ва дастлабки, шу жумладан бунинг учун фойдаланиладиган материаллар)	685.825.449
1.1	Курилишнинг шартнома қиймати	
1.2	Курилиш материаллари ёки буюртмачи етказиб берадиган қурилиш материаллари	
Умумий суғурта қиймати: 100% <u>685.825.449.</u>		сўм.
Моддий зарар бўйича суғурта пули: суғурта қийматининг 80% ёки <u>548.660.359,2.</u>		сўм.

### 2. Жавобгарлик

Т.р.	Таваккалчилик	Қоплама лимити, сўмда
1	2	3
1	Курилиш-монтаж ишларини олиб боришда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги	

### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

